

ШАРТНОМА № 3

Дори воситалари ва тиббий буюмлар

билан таъминлаш хақида»

«*27*» *01* 2022 й

Куштепа тумани

Ушбу шартнома бир томондан келгусида «Таъминотчи» деб аталадиган «Дармон Файз Фарм» МЧЖ номидан унинг раҳбари Мадумарова Д.Ф. ва иккинчи томондан келгусида «Истеъмолчи» деб аталадиган *ООФ. БИЕ. АТИЗОВА БУЛО ПЕР* номидан унинг раҳбари *Т.Н. АЛЕЕВ* лар уртасида хар икки томоннинг амалдаги «Низом»лари ва Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий- ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Конунига шунингдек бошқа амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ куйидаги мазмунда тузилди.

1. Шартнома предмети.

- 1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га ушбу шартномага асосан умумий киймати *3000000* (*3 млн 000 000 сўм*) сум булган дори воситалари ёки тиббий буюмлар (келгусида «Товар» деб номланади) ни спецификацияга асосан етказиб беради.
- 1.2. «Истеъмолчи» эса уз навбатида Ушбу «Товар»лар учун келишилган ҳакни шартноманинг 3 булимида белгиланган шартлар асосида тулайди,
- 1.3. Вилоятдаги даволаш муассасалари учун «Таъминотчи» бир ойлик лимити асосида «Товар» ларни етказиб беради. «Истеъмолчи» эса ажратилган ойлик лимити миқдори суммасини уз вақтида тулик тулайди.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 2.1 «Таъминотчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:
 - 2.1.1. «Истеъмолчи» томонидан «Товар» умумий нархининг *30* фоизи «Таъминотчи»нинг ҳисоб рақамига олдиндан тулангандан сунг «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни «Товар» билан таъминлайди.
 - 2.1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га тегишли ҳужжатлар асосида «Товар»ни белгиланган тартибда ҳамда белгиланган стандарт сифат даражасида топшириш мажбуриятини олади.
 - 2.1.3. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»нинг хохиши билан «Товар» ни уз транспорт воситаларида «Истеъмолчи»нинг манзилгоҳига етказиб бериши мумкин. Бу ҳолда транспорт воситаси орқали етказиб бериш харажати қўшимча далолатнома орқали «Истеъмолчи» томонидан копланган.
 - 2.1.4. «Таъминотчи»нинг транспорт воситасида етказиб «Товар»нинг миқдоридан аниқланган камомад ҳамда сифатсизликлар юзасидан «Истеъмолчи» «Таъминотчи»нинг вакили иштирокида «Товар» етказилган кундаёқ далолатнома тузиб ҳолатни тасдиқлайди. Мазкур далолатномага асосан камомад ҳисоби «Таъминотчи» томонидан тулдирилади. Агарда ушбу ҳаракатлар уз вақтида амалга оширилмас эътироз асоссиз деб ҳисобланиб, инobatга олинмайди.
- 2.2. «Истеъмолчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:
 - 2.2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» дан шартнома тузилгандан сунг етказиб берилиши лозим булган «Товар» учун уларнинг умумий кийматининг *30* фоизини олдиндан тулаган ҳолда тегишли ҳужжатлар асосида қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.
 - 2.2.2. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»дан Ўзбекистон Республикаси фармокологик руйхатдан утказилиб, ишлатишга рухсат этилган, сифати, маркировка ва урамлари амалдаги фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга булган «Товар»ларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Етказиб берилган «Товар» сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмас, «Истеъмолчи» «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги Конунинг 26-моддасига мувофиқ «Товар»ни қабул қилишни ҳамда уларнинг ҳақини тулашни рад этиб, «Таъминотчи»дан сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмайдиган «Товар» кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.
 - 2.2.3. «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи»га спецификацияда курсатилган дори-дармон воситаларини уларга ажратилган лимит доирасидаги маблағлар ҳисобида тулик олишлари шарт. Акс ҳолда Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Конунининг 31-моддасига мувофиқ белгиланган лимит доирасида танлаб олинмай колган (олиш асоссиз рад этилган) «Товар» суммасининг 5 фоизи, тез бузиладиган «Товар»лар буйича эса 10фоизи миқдори жарима ундирилади.
 - 2.2.4. «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи»га спецификацияда курсатилган дори-дармон воситаларини етказиб беришни «Таъминотчи» асоссиз равишда рад этса, «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га етказиб берилмаган «Товар» умумий кийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

3. Тулов тартиби.

- 3.1. «Истеъмолчи» шартнома имзолангандан сунг етказиб берилиши лозим булган «Товар» умумий кийматининг *30%* ни олдиндан тулайди. Еказиб берилган «Товар»лар туловининг колган, яъни *70%* қисми эса «Истеъмолчи» томонидан «Товар» қабул қилиб олингандан сунг 30 календарь кун ичида тулаб берилади.

4.Томонларнинг мулкый жавобгарликлари

4.1. Томонларнинг мулкый жавобгарликлари Узбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий- ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Конун ва бошка амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинади.

5.Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Тарафлардан ҳеч бири бошка тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиш ёки бартараф этиш мумкин булмаган ҳолатлар (урушлар, фуқаролик тартибсизлиги, блокада, эмбарго, табиий офатлар) билан боглик ҳолатда бажармаганлиги учун жавобгар булмайди,

6.Низомларни хал килиш тартиби

6.1.Ушбу шартнома ёки унга боглик масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонлар уртасида музокара йули билан хал килинади. Агарда келишувга эришилмаса конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик судида хал килинади.

7.Шартнома муддати ва уни узгартириш тартиби

7.1 Мазкур шартномага киритиладиган барча узгартиришлар ва қушимчалар фақат томонларнинг узаро ёзма келишувлари билан киритилиши мумкин.

7.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилди.

7.3. Ушбу шартнома газначилик булими томонидан руйхатдан утказилгандан сунг юридик кучга киради.

7.4. Шартноманинг муддати тарафлар имзолаган кундан 31.12.22 йил кунига қадар амал килади.

8.Томонларнинг манзилгоҳлари ва реквизитлари:

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Дармон Файз Фарм» МЧЖ

(таъминотчининг номи)

Манзил: Куштепа тумани Сайлгоҳ куча 1уй

Тел./ факс: 8-(373)254-20-56

х/р 2020 8000 9006 5590 7001

Банк номи: Миллий банк

Фаргона булими

МФО:00493

СТИР: 304251294

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Фар. Биле Фтиз. Ва Бунд. Лор

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: 2 Фергона, ул. Келдиёржон

Тел./факс: 90 530-68-34

ш/х* 100021860304017073201054010

СТИ 20015109 КОНХ 91513

Газначилик бошқармаси номи: Фаргона вилояти

Буйича Газначилик бошқармаси

ЯГХ 2340 2000 3001 0000 1010

Банкнинг номи:Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Хисоб-китоб касса маркази (ХККМ)

МФО 00014 Газначилик бош СТИРи 201122919

Рахбар: Т. Н. Шамиев

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

М.У.

ОКОНХ:19840

Рахбар: Мадумарова Д.Ф.

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

HUQUQSHUNOS - E.A.GANJAEV

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

хуқуқий

маслаҳатчи

(хуқуқшунос ёки (адвокат)и

Мазкур шартнома лойиҳасини Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Конуни ва бошка конун хужжатлари асосида хуқуқий экспертизадан утказиб:

1.Шартнома лойиҳасининг амалдаги конун хужжатлари талабларига жавоб беришини ва конунга мос ҳолда тузилганлиги;

2.Томонларнинг шартномада қурсатилган мулкый жавобгарликлари ва узаро низоларни хал килиш йуллари Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ҳамда, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги конун асосида белгиланганлигини

АНИКЛАДИМ

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шартнома лойиҳасини конун доирасида тузилган деб ҳисоблайман ва томонларга уни имзолашни тавсия этаман.

« _____ » 2022 йил

(имзо)

(Ф.И.Ш)

